

"Ўзбекистон - 2030" стратегиясида аҳоли саломатлигини таъминлаш борасидаги ислохотлар



Халқ депутатлари Термиз туман Кенгаши депутатлари ташаббуси билан Термиз туманидаги “Марварид” соғломлаштириш масканида Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисидаги фармони ижроси юзасидан тарғибот тадбири ўтказилди.

Тадбирда сўз олган депутатлар “Ўзбекистон-2030” стратегиясида аҳоли саломатлиги таъминлаш, тиббий хизматларни сифатли ташкил этилиши борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида маълумотлар берди.

Шунингдек, аҳолини соғломлаштириш, турли касаликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш-тарзини тарғиб этишга алоҳида тўхталиб ўтилди.